

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

ТАСДИКАНГАС НА АМАДА КИРТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигинин  
хукурилари Олий ва ўрта маҳсус профессионал таълим нуқасини олий  
хукув-харбий таълим мактабаси Фондатчи Муваффакаттурувчи хукув-харбий  
2020 йил «14» майдачидаги № 14-санни анигиданинг маҳсус таълим вазирлигинин  
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигинин  
2020 йил «14» майдачидаги № 14-санни бурулти билди расмийдан.

ЖОРНИЭТННАЗ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигинин

*5231200 – Сугурта иши*  
**бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари**

Малака Малака талаби 230 040 - Йўқосидаги соддаси Дониш  
станцияси. Олий таълим мактабаси музаккада  
юниситетлари таъсисати Республикини таъминлантиришади  
жизониёниниаб таъсигиги ве расмий көзбетий-харбий хукув-харбий  
Ўзбекистон Республикаси хукудда. Малака талабиги йўқосидаги  
кукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигинин  
тегнидацири.

Тошкент

**ЎЗР ОЎМТВ**  
Буйрук № 418  
«14» 08 2020 йил

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли бўйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдидир.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
2.3.	Касбий квалификациялар.....	6
3.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.1.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фандастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.2.	<i>5231200 – Сүгурта иши</i> бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8

## **1. 5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5231200 – Сугурта иши** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиши кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

#### **1.1.1. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўйими бошлифи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талabalari;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган абитуриентлар, уларнинг отоналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

##### **1.2.1. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5231200 – Сугурта иши** – фан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, суғурта компанияларида суғурта ишини ташкил этиш, кўрсатиладиган суғурта хизматлар сифатини яхшилаш, кадрлар суғурта маркетинги тадқиқотларини ўtkазish, суғурта муносабатларини тартибга солиш, меҳнат ресурслари балансини тузиш, аҳолини ҳар хил баҳтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

##### **1.2.2. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- суғурта ташкилотлари, корхона ва муассасалар, компаниялар ва бошқалар;
- суғурта соҳасининг турли тармоқларида уларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;
- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндошув тамоилларини татбиқ этиши, давлат ва маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари;
- суғурта корхоналарида замонавий бошқарув тизимини ташкил этиши, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириши, бошқарув самарадорлигини ошириши, меҳнатни разбатлантириши жараёнлари;

**1.2.3. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш:
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

**1.2.4. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

**Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- суғурта хизматини кўрсатиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- ахборот-коммуникация ва интернет технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизmlарини ишлаб чиқиш;
- суғурта иши ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- суғурта хизматини кўрсатиш жараённада маркетинг фаолиятини бошқариш;
- бошқарув қарорини қабул қилиш;
- ишни ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- суғурта фаолиятини амалга ошириш бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва натижаларини баҳолаш;
- суғурта хизматини кўрсатиш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторингини юритиш;
- суғурта ташкилотларида ишчи кучига сарфланадиган харажатларни ишлаб чиқиш;
- меҳнат унумдорлигини ўлчаш ва уни ошириш имкониятларини аниқлаш;
- ходимларни бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- иш ўринларини ташкил этиш ва таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш.
- суғурта бозорини конъюнктуравий ҳолатининг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;

**Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисбот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- суғурта фаолияти бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- суғурта соҳасига тегишли ютуқларни, маҳсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;
- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш;

- интернет тармоғидан янги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

### **2. 5231200 – Сугурта иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

#### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- сугурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш;
- сугурта операцияларини синтезлаш ва оптималлаштириш, сугурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш;
- сугурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш;
- сугурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисботлар тузиш;
- сугурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- рискнинг вужудга келиши, рисклар класификацияси, рискларнинг тармок ва соҳалар бўйича гурухланиши, рискларни бошқариш ва сугурталаш, эҳтимоллар назарияси, рискларни баҳолаш;
- сугурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш;
  - сугурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш;
  - сугурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;
  - сугурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш;
  - ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиш;
  - янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
  - соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

#### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- сугурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, сугурта портфели шаклланишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- сугурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, сугурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш;
- сугурта шартномаларида тариф ставкаларини шакллантириш ва амалиётда қўллаш;
- сугурта компаниясининг тўлов қобилиятини аниқлаш;
- сугурта фаолиятини солиқка тортиш;
- қайта сугурталаш шартномасини тузиш;
- қайта сугуртада рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш.
- Ўзбекистон сугурта бозори ҳолатини таҳлил қилиш ва режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.

#### **2.3. Касбий квалификациялар:**

Андерайтер, сугурта ээкспертизаси, сугурта асистанси, риск-менежменти, сугурта актуарийси, рискни баҳолаш, сугурта маркетинги, сугурта портфелини бошқариш, сугурта

брокери, қайта суғурта брокери, аджастер, сюрвейери, суғурта агенти, квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

### **3. 5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **3.1. 5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чикилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

#### **3.2. 5231200 – Сугурта иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртқи шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладан, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, суғурта, суғурта назарияси, суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта агенти, риск, риск назарияси, суғурта обьекти, суғурта андеррайтери, суғурта сюрвейери, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари, суғурта воситачилари, ислом суғуртаси ва молияси, суғурта мукофоти, суғурта суммаси, суғурта шартномаси, суғурта полиси, суғурта портфели, суғурта тарифи, ихтиёрий суғурта, мажбурий суғурта, шахсий суғурта, мулк суғуртаси, жавобгарликни суғуртаси, тиббий суғурта, суғурта захираси, қайта суғурта, суғурта менежменти ва маркетинги, суғурта компанияси ресурсларини бошқариш.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**



Тошкент молия институти

Ректор в.в.б.

С.Мехмонов

2020 йил « 21 » 07

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министри  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети

Директор

З.Т.Хакимов

М.У.

2020 йил « »

Ректор

К.Шарипов



АЖ “Ўзагросуғурта” суғурта  
компанияси

АЖ “Kapital sug’urta” суғурта  
компанияси Бош директор

Бошқарув Раиси

Биринчи

ўринбосари

М.Мираబалов



2020 йил « »

М.У.

Бош директор

У.Халиков



2020 йил « »

М.У.

**Тошкент молия институтида тайёрланаётган 5231200 – Суғурта иши бакалавриат таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг битирувчилар касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

т/р	<b>Суғурта компаниялари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши*</b>		<b>Суғурта компанияларининг бакалавриат таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</b>
	<b>шифри</b>	<b>номи</b>	
1	5231200	Суғурта иши	<p><b>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- суғурталаш қоидалари ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни қўллаш юзасидан қарорларни қабул қилиш;</li> <li>- суғурта операцияларини синтезлаш ва оптималлаштириш, суғурта тарифларининг илмий асосланишини таъминлаш;</li> <li>- суғурталовчининг инвестицион сиёсатини амалга оширилиш жараёнларини ташкил этиш;</li> <li>- суғурта захираларини шакллантириш бўйича ҳисботлар тузиш;</li> <li>- суғурта маҳсулотларини сотиш жараёнларини бошқариш ва воситачиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;</li> <li>- суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва бартараф этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш;</li> <li>- суғурта фаолияти юзасидан бизнес-режани ишлаб чиқиш;</li> <li>- суғурта объектини таҳлил қилиш ва унга таъсир этувчи омилларни баҳолаш;</li> <li>- суғурта ишининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш;</li> <li>- суғурта ташкилоти фаолиятини бюджетлаштириш, суғурта портфели шакланишини ташкил этиш ва назорат қилиш;</li> <li>- суғурта фаолиятида маркетингни самарали қўллаш орқали, суғурталовчининг рақобатдошлигини таъминлаш;</li> <li>- суғурта шартномаларида тариф ставкаларини шакллантириш ва амалиётда қўллаш;</li> </ul>

- |  |  |   |
|--|--|---|
|  |  | <ul style="list-style-type: none"> <li>- суғурта компаниясининг тўлов қобилиятини аниқлаш;</li> <li>- суғурта фаолиятини соликқа тортиш;</li> <li>- қайта суғурталаш шартномасини тузиш;</li> <li>- қайта суғуртада рискларни таҳлил қилиш ва бошқариш;</li> <li>- қурилиш-монтаж рискларини суғурталаш бўйича суғурта шартномасини тузиш;</li> <li>- Ўзбекистон суғурта бозори ҳолатини таҳлил қилиш;</li> </ul> |
|--|--|---|

**АЖ “Ўзагросуғурта” суғурта компанияси  
Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари**

**АЖ “Kapital sug’urta” суғурта компанияси  
Бош директор**

**Тошкент молия институти ректори в.в.б.**



Тошкент молия институтининг 5231200 – “Сугурта иши” таълим йўналиши бўйича малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқувчилар ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шахри

“ ” 202\_ й.

Биз, қўйида имзо чекувчилар – АЖ “Ўзагросуғурта” суғурта компанияси бошқарув Раиси биринчи ўринбосари М.М.Мирабзалов, АЖ “Kapital sug’urta” суғурта компанияси Бош директори У.Р.Халиков ва Тошкент молия институти ректори в.в.б. С.У.Мехмонов, мазкур келишув далолатномасини қўйидагилар ҳақида туздик:

1. 5231200 – “Сугурта иши” таълим йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида АЖ “Ўзагросуғурта” ва АЖ “Kapital sug’urta” суғурта компанияси ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. Юқорида номи қайд этилган малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқишида Тошкент молия институти профессор-ўқитувчилари ва кадрлар истеъмолчиси - АЖ “Ўзагросуғурта” суғурта компанияси, АЖ “Kapital sug’urta” суғурта компанияси мутахассислари иштирокида ташкил этилган Ижодий ишчи гуруҳ томонидан бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари халқаро тажрибаларни ўрган ҳолда ишлаб чиқилди.

3. 5231200 – “Сугурта иши” таълим йўналишининг малака талаблари Тошкент молия институти ва кадрлар истеъмолчиси – АЖ “Ўзагросуғурта” суғурта компанияси ва “Kapital sug’urta” суғурта компанияси мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Бу таклифлар малака талабарини мукаммаллаштиришда инобатга олинди.

4. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда мазкур малака ўкув жараёнларига татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

АЖ “Ўзагросуғурта” суғурта  
компанияси Бошқарув Раиси  
биринчи ўринбосари

М.Мирабзалов



АЖ “Kapital sug’urta” суғурта  
компанияси Бош директор

У.Халиков



Тошкент молия институти  
ректори в.в.б.

С.Мехмонов



**Сравнительный анализ дисциплины “Страховое дело” бакалавр**

<b>№</b>	<b>Ташкентский финансовый институт (Узбекистан)</b>	<b>Taiwan</b> (Department of Insurance Tamkang University)	<b>Германия</b> (University Dortmund)	<b>США</b> (University of Colorado, Risk Management and Insurance)	<b>ПРЕДЛОЖЕНИЕ РАБОЧОЙ ГРУППЫ По бакалавру</b>
<b>БАКАЛАВР</b>					
1	Иқтисодий география ва экология	-	-	-	ЭКОНОМИКА
2	Иқтисодий таълимотлар тарихи	-	-	-	
3	Иқтисодиёт назарияси	ECONOMICS: экономика	Volkswirtschaftliche Grundlagen экономические основы	ECONOMICS: экономика	
4	Микроиқтисодиёт	-	-	-	
5	Макроиқтисодиёт	-	-	-	
6	Статистика	STATISTICS: статистика	Statistik статистика	STATISTICS: статистика	СТАТИСТИКА
7	Молия	-		Finance Финансы	ФИНАНСЫ
8	Пул, кредит ва банклар	-	-	-	
9	Бухгалтерия хисоби	ACCOUNTING Бухгалтерский учет	-	ACCOUNTING Бухгалтерский учет	
10	Аудит		-	-	
11	Молия бозори	-	-	-	БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ
12	Бюджет хисоби	-	-	-	
13	Иқтисодий таҳлил	-	-	-	
14	Менежмент. Маркетинг	MANAGEMENT	Grundlagen des Marketings Основы маркетинга Unternehmensführung Управление	Marketing Management Маркетинг менеджмент	СТРАХОВОЙ МАРКЕНИНГ
15	Соликлар ва солиқка тортиш		Steuern налоги	-	СТРАХОВОЙ МЕНЕЖМЕНТ
16	Инвестиция	-	Investition und Finanzierung Инвестиции и финансирование	-	НАЛОГООБЛАЖЕНИЕ В СФЕРЕ СТРАХОВАНИЯ
17	Молиявий менежмент	FINANCIAL MANAGEMENT: ФИНАНСОВЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ	Allgemeine Betriebswirtschaftslehre Бизнес- администрирование	-	ИНВЕСТИЦИИ И УПРАВЛЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННЫМ ПОРТФЕЛЕМ СТРАХОВЩИКА
18	Сугурта назарияси	-	Grundlagen der Versicherungsbetriebslehre Основы рисков и страхование	-	ФИНАНСОВЫЙ МЕНЕДЖМЕНТ
19	Сугурта иши	MOTOR INSURANCE		Property & Casualty Insurance:	ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА СТРАХОВАНИЕ
					ОБЩЕЕ СТРАХОВАНИЕ

		автострахование LIFE INSURANCE Страхование жизни LIABILITY INSURANCE Страхование ответственности ANNUITY INSURANCE страхование аннуитетов REINSURANCE перестрахование FIRE INSURANCE Страхование от огня		страхование имущества и страхование от несчастных случаев	
					СТРАХОВАНИЕ ЖИЗНИ
					ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОДАЖ СТРАХОВЫХ ПРОДУКТОВ
20	Суғурта хуқуки	INSURANCE LAW СТРАХОВОЕ ПРАВО	Versicherungsrecht страховое право		СТРАХОВОЕ ПРАВО
21	Суғурта фаолияти тахлили	-	Jahresabschluss финансовая отчетность		ФИНАНСЫ СТРАХОВОЙ КОМПАНИИ
22	Суғурта бизнеси	-			СТРАХОВОЙ БИЗНЕС
23	Ижтимоий суғурта	SOCIAL INSURANCE СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ			
24	Иктиисодиётда ёзув техникаси	ABILITY OF EXPRESSING IN SPOKEN AND WRITTEN CHINESE: СПОСОБНОСТЬ выражение в устной и письменной китайской		Public Speaking, Business Writing: Публичное выступление Деловая переписка	ПУБЛИЧНОЕ ВЫСТАУПЛЕНИЕ ДЕЛОВАЯ ПЕРЕПИСКА
25	Махсус курс (Хаёт фаолияти хавфсизлиги. Истеммолчи хуқуки)	-		-	
		MARKETING MANAGEMENT Управление продажами	Produktentwicklung - und controlling Разработка продукта - и контроль продаж		
			Führung und Organisation im Vertrieb Управление и организация продаж		
			Versicherungsvertrieb страхование продаж		
		RISK MANAGEMENT AND INSURANCE Управление рисками и страхование	risiko politik политика управления рисками	Introduction to Risk Management: Введение в управление рисками	
				Practical Enterprise Risk Management: Управление рисками Практическое компаний	
		-	Personal management управление человеческим ресурсами	Employee Benefits and Workforce Risk Management выплаты и Управление персоналом рисками	

		COMMERCIAL LAW Коммерческое право	Unternehmensplanung und Steuerung Корпоративное планирование и контроль	Experiential Learning in RMI Industry: Экспериментальное обучение в RMI промышленности	
		PROPERTY INSURANCE COMPANY OPERATIONS Деятельность компаний имущественного страхования	Versicherungsmarketing страховой маркетинг	Investment and Portfolio Management: Инвестиции и управление портфелем	
		PERSONAL INSURANCE COMPANY OPERATIONS Деятельности компаний личного страхование	Risikoinstrumente инструменты риска	Corporate Financial Decisions: Корпоративные финансовые решения	
				International Business Международный бизнес	
				Management of Business Capital: Управление бизнес капиталом	
				Cyber Risk Management & Cyber Warfare: Управление кибер рисками и кибервойной	
				Global Risk Management: Глобальный риск менеджмент	
<b>КОМЕНТАРИИ</b>					
	Тайваньский опыт подготовки специалистов в Страховании основан на углубленном сегментированном изучении страховых продуктов и их ценообразовании. При этом основной упор делается на Страховании Жизни и актуарных расчетах. Учитывая степень развития рынка страхования жизни Узбекистана данный опыт является полезным при формировании предложений по реформированию учебного плана.	Опыт Германских страховщиков, охват рынка, и проникновение страховых продуктов в различные слои населения показывает, что программа обучения специалистов, основанная на углубленном изучении технологий продаж, формирование сетей, каналов продаж, корпоративном управлении, и создании инновационных продуктов является продуктивным. В связи с чем применения данного опыта считается целесообразным при разработке учебного плана.	Англо-Американская модель обучения, учитывая различия в законодательстве и высоком уровне капитализации Страховых компаний, основной упор в подготовке кадров производит в сторону корпоративного управления, управления рисками и инвестиций. Данный опыт является полезным при разработке учебного плана, в частности при подготовки узкопрофильных специалистов в области страхования.		

“Суғурта ва пенсия иши” кафедраси мудири

И.Х.Абдурахмонов

**5231200-“Сугурта иши” бакалавриат таълим йўналишининг малака  
талаби ишлаб чиқилишига**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

5231200-“Сугурта иши” бакалавриат таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқида қуидаги меъёрий-хукуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳакида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 марта “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 июндаги “2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-4749-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириги;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 20 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сонли буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишида бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан қўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак қасбий малакавий қўнишка шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-коидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишида муҳим аҳамият қасб этди

5231200 – “Суғурта иши” бакалавриат таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илфор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишида мамлакат ижтимоий-иктисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютиклари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғулаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди

Тошкент молия институти

“Суғурта ва пенсия иши” кафедраси мудири

И.Х.Абдурахмонов

*H. G. Hamm*